

**Юридик шахсларни Кредити буйича қалтисликларни суғурталаш шартномаси
(14 класс)**

Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун 2022 йил «25» февралда берилган 00045-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензиясига ва Уставига биноан «**ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI**» АЖ ҚК номидан Низом ва 20__ йил «__» _____ № _____ - сонли Бош Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи _____ **вилоят филиали** директори _____ (кейинги ўринларда «**Суғурталовчи**» деб аталади), Устав асосида ҳаракат қилувчи _____ раҳбари _____ (кейинги ўринларда «**Суғурта қилдирувчи**» деб аталади), ва Устав асосида ҳаракат қилувчи _____ раҳбари _____ (кейинги ўринларда «**Қарз олувчи**» деб аталади), кейинги ўринларда суғурта шартномаси буйича Томонлар ҳам деб аталади, ушбу Шартномани куйидагича туздилар:

ДЕКЛАРАЦИЯ

Суғурта қилдирувчи ва _____
унинг манзили _____
Қарз олувчи ва унинг _____
манзили _____
Кредит шартномаси _____
Кредитнинг миқдори _____
- мақсади _____
- фойиз ставкаси _____
Суғурта пули _____
Суғурта мукофоти _____
Шартсиз франшиза _____
Кредитнинг даври“__” _____ 201__ й.дан “__” _____ 201__ й. гача
Суғуртанинг муддати _____

Суғурталовчи фақат суғурта Полисида кўрсатиб утилган суғурта муддатида содир бўлган суғурта ходисалари буйича жавоб беради

Кредит буйича бошқа таъминотлар ва уларнинг ҳажми _____

Кутиш даври _____ кун, Тўлов санасидан бошлаб ҳисобланади

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартномада келишилган тўлов (**Суғурта мукофоти**) учун **Суғурталовчи** шартномада келтирилган ҳодиса (**Суғурта** ходисаси) натижасида **Суғурта қилдирувчининг** № _____ - сонли Кредит шартномаси буйича етказилган зарарни шартномада келишилган пул (**Суғурта пули**) ҳажмида қоплаш (**Суғурта товонини** тўлаш) мажбуриятини олади. Ушбу шартнома Анкета-аризага асосланган ҳолда тузилган бўлиб, у шартноманинг ажралмас қисми деб тан олинади. **Суғурта қилдирувчи** Кредит шартномаси буйича **Қарз олувчига** пул маблағларни қарзга берганлиги туғрисида **Суғурталовчи** хабардор.

1.2. Суғурта товони фақат **Кутиш давридан** сўнг ва Кредитнинг бошқа таъминотлардан қопланмаган қисми учун тўланади. Мазкур шартнома кафиллик, кафолат, гаров ва мажбуриятшартномаси эмас, мазкур шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар шартнома мажбуриятлари ҳисобланади.

2. ШАРТНОМАДА ИШЛАТИЛГАН ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Мазкур шартномада ишлатилган асосий тушунча ва атамалар куйидаги маъноларни англатади:

Суғурта шартномаси - суғурталовчи билан суғурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма шартнома бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурга ходисаси содир бўлганда суғурга қилдирувчига суғурга товонини тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта Полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти суғурталовчига тўлангандан кейин суғурта қилдирувчига берилади.

Суғурта пули - суғурта шартномасида белгиланган ва Шартнома буйича суғурталовчининг суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи пул маблағлари суммаси.

Суғурта мукофоти - суғурта қилдирувчининг суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи.

Суғурта ходисаси - суғурта шартномасида кўзда тутилган ва мазкур шартноманинг 4 - бўлимида белгиланган ҳодиса. Бу ходиса содир этилганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари вужудга келади.

Зарар – Қарз олувчининг Кредит шартномаси буйича мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли суғурта қилдирувчи томонидан йўқотилган пул маблағлари (Кредитнинг қайтмаган қисми).

Зарар етказилган сана деб Кутиш даврининг охириги кунидан кейинги кун ҳисоблади.

Суғурта товони - суғурта шартномасида келтирилган суғурта ходисаси содир бўлганда, суғурга қилдирувчининг зарарини қоплаш учун суғургаловчи томонидан суғурга пули доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

Кредит шартномаси - суғурта қилдирувчи билан Қарз олувчи ўртасидаги пул маблағларини қарзга олиниш туғрисида тузилган шартнома.

Қарз олувчи – суғурта қилдирувчи билан Кредит шартномасини тузган ва бу шартнома буйича олинган кредитни мақсадли ишлатган юридик шахс.

Тўлов санаси – Кредит шартномасида кўзда тутилган тўловлар жадвалига мувофиқ Қарз олувчи томонидан қарзни тўлашнинг энг охириги санаси.

Кутиш даври - ушбу Шартномада белгиланган қалтисликлар туфайли вужудга келган ҳар қандай зарарни қоплаш олдида тугаши керак бўлган, Тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган узлуксиз календар кунлари сони.

Кредитни тегишли даражада бериш – Кредит шартномасининг шартлари ва муддатларига мувофиқ Қарз олувчига пул маблағларни бериш, агар:

а) ажратилган пул маблағлар (кредит) Қарз олувчи томонидан Кредит шартномасининг шартлари ва муддатларига биноан қабул қилиб олинган бўлса;

б) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда пул маблағлари (кредит) Қарз олувчига берилган бўлса;

Кредит даври – Кредит шартномасининг шартларига мувофиқ суғурта қилдирувчи томонидан Қарз олувчига маълум муддатга берилган ва суғурта шартномасида суғурталовчи томонидан қўлланган кредитни қайтариш муддати.

Суғурта даври - суғурта шартномаси амал қиладиган давр. Суғурталовчи суғурта Полисида кўрсатилган суғурта даврида содир бўлган суғурта ходасалари бўйича мажбуриятларга эга бўлади. Суғурта даври суғурта шартномасида катъий белгиланади.

Франшиза - зарар маълум бир миқдордан ортиқ бўлмаганда Суғурталовчининг хар қандай тўловлардан озод қилиниши, чунки бундай зарар суғурта ходисаси деб тан олинмайди. Шартсиз франшизада суғурталовчи суғурта товонларни франшизани айриган миқдорда тўлайди.

3. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Шартнома бўйича суғурта пули _____ сумни ташкил этади.

3.2. Шартнома бўйича суғурта мукофоти _____ сумни ташкил этади ва Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки унинг суғурта агентига ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг 3 (уч) банк куни ичида тўланади.

4. СУГУРТА ХОДИСАЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта ходисаси деб Қарз олувчининг Суғурта қилдирувчига Кредит шартномасида белгиланган муддатда қарзларни тўла ёки қисман қайтармаслик ҳисобланади, агар бу ҳолат куйдачи сабаблар натижасида содир этилган бўлса: Қарз олувчининг банкротлиги ёки ночорлиги.

4.2. Қарз олувчининг банкротлиги ёки ночорлиги деб куйдаги ҳолат белгиланади: Қарз олувчи ўзининг молиявий ахволидан келиб чиққан ҳолда кредит шартномаси бўйича асосий қарзни тўлай олмаган ва тўлай олмайди ҳам.

Банкротлик ёки ночорлик деб куйдаги асоратлар тан олинади:

а) тегишли юрисдикциядаги суд қарори чиқса;

б) суд томонидан кредиторларнинг фойдасига Қарз олувчининг ишларини юритиш учун ташқи бошқарув киритиш ҳақида қарор қабул қилинса;

в) Қарз олувчининг қарзларини тўлай олмаслиги сабабли ваколатли шахс ёки орган томонидан Қарз олувчининг фаолиятини тугатилиши (ёпилиши) ҳақида қарор қабул қилинса;

д) Қарз олувчининг мол - мулкни ёки унинг активларидан тушган пул маблағларини кредиторлар фойдасига ўтказиш ҳақидаги битим ёки Қарз олувчининг ва унинг кредиторлари ўртасида бошқа келишув (муроса келишуви) тузилган бўлса;

е) Қарз олувчининг қарз мажбуриятларига эга бўлган шахс ёки бошқа кредиторлар номидан ташқи бошқарувчиси тегишли юрисдикция суди қарори билан тайинланган бўлса.

5. СУГУРТА ХОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

5.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг куйдаги зарарлари учун жавобгарлик олмайди: Кредит шартномаси бўйича жарималар ва фоизлар учун, учинчи шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланиш учун фоизлари учун, даъволар билан боғлиқ ва қарзларни ундириш жараёнидаги суд харажатлари учун, валютанинг курси узгаргандаги йукотишлар учун.

5.2. Суғурталовчи куйдаги ҳолатлардаги зарарлар учун жавобгар эмас:

а) Суғурта қилдирувчи кредит бўйича мақсадсиз фойдаланиш, ёки кредитлаш тўғрисида қоида ва йуриқномаларга риоя этмаслик ҳолларга йўл қўйса;

б) Агар Суғурта қилдирувчи шартнома тузилиш жараёнида Суғурталовчига шартномадаги қалтисликлар даражасини белгиловчи ноаниқ ёки нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;

в) Қарз олувчига кредит бериш муддати кечиктирилса ва бу кредит қайтмасликга асос бўлиши мумкин бўлса;

д) Агар Суғурта қилдирувчи ёки Қарз олувчи томонидан ноқонуний ёки фирибгарлик ҳаракатлар содир этилган бўлса;

е) Агар Суғурта қилдирувчи билан Қарз олувчининг орасида Кредит шартномаси юзасидан келишмовчиликлар бўлса ва бу низолар тегишли юрисдикция суди томонидан ҳал этилган бўлмаса;

ф) Суғурта қилдирувчи хар қандай келишув ва суғурта шартномаси шартларини бузиши ёки бажара олмаслиги;

г) Харбий ва сиёсий қалтисликлар, уруш (эълон қилинган ёки қилинмаган бўлса ҳам), кузғолонлар, иш ташлаш, террористик актлар, фуқаролик уруши, реквизиция, конфискация, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан мулкга эгаликдан ҳуқуқидан маҳрум этиш;

ҳ) Агар Суғурта қилдирувчи Қарз олувчига шартномадаги белгиланган қалтисликларни бири амалдалигини била туриб, кредит берган бўлса;

и) Қарз олувчи иш фаолиятини юритиш учун қонун бўйича зарур бўлган барча лицензия ва рұхсатларни олишни уйдасидан чиқа олмаса.

5.3. Куйдагилар бевосита ёки билвосита келтириб чиқарган ёки куйдагиларнинг натижаси бўлган хар қандай зарарлар учун суғурталовчи мажбуриятга эга бўлмайди:

а) ядро ёкилиғисининг ёниш жараёнида ёки ядро реакторидага фалокат натижасида пайдо бўладиган ядро чиқиндилари келтириб чиқарган ионлаштирувчи радиация ёки радиоактив ифлосланиш;

б) радиоактив, токсик, захарловчи моддалар ёки бирикмалар ёки уларнинг ядро компонентларини бошқа хавфли хусусиятлари;

в) радиоактив материаллардан фойдаланиш, уларни бошқариш ва ташиш.

5.4. Суғурталовчи куйдаги ҳолатларда суғурта товонини тўламайди:

а) мазкур суғурта шартномасини қўл қуйиш қунига Қарз олувчи ночор ҳолатда ёки суғурта қилдирувчини олдида тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзга эга бўлса;

б) суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси амалда бўлган даврда тўлаш санасини, кредит даврини, кредит лимитини ёки суғурта шартномасининг бошқа шартларини суғурталовчи билан келишмаган ҳолда ва унинг ёзма розилигисиз ўзгартирган ёки кенгайтирган бўлса;

в) суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида келтирилган шартларга ва муддатларга риоя қилмаса;

д) суғурта қилдирувчи қафолатларни, учинчи шахсларнинг қафилигини ёки Қарз олувчининг Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаришини гарови сифатида Қарз олувчидан олинган бошқа турдаги таъминотларни амалга ошириш бўйича қўйилган талабларни тегишли равишда бажармаса;

е) суғурта қилдирувчи кредит маблағларини ишлагичи мониторингини ўз вақтида ёки умуман ўтказмаган бўлса;

ф) қарз олувчи ўзига қаршли дебиторлик қарзларни ундириш бўйича амалдаги қонунчилик асосида чоралар қўрмаган бўлса,

ва бу ҳолат кредитни қайтармасликка олиб келган бўлса;

г) қўрилган зарар Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасида кредитлар бериш тўғрисида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларининг шартлари ва талабларини бажармасликни натижасида содир бўлган бўлса.

6. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛДА БЎЛИШИ

6.1. Мазкур шартнома Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга киради. Суғурта мукофоти тўланган санаси деб Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки суғурта агентига суғурта мукофоти тушган куни белгиланади.

6.2. Суғурталовчининг суғурта товонларини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга киради, лекин ҳар қандай ҳолатда - Кредит шартномасининг бошлангандан кейин ва 3.2. бандига асосан тўланган суғурта мукофотига яраша амалда бўлади. Суғурталовчи фақат Полисда кўрсатилган даврдаги содир бўлган суғурта ходисалар учун тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда жавоб беради.

6.3. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурта шартномасининг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти Суғурталовчига тўлангандан кейин 3 (уч) кун ичида берилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- Суғурта шартлари билан Суғурта қилдирувчини таништириш;
- Суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта Полисини бериш;
- Суғурта ходисаси тан олинганда мазкур шартномага мувофиқ суғурта товонини белгиланган тартиб ва муддатда тўлаб бериш
- Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суғурталовчи маълумотларни давлат органларига тақдим этишга мажбур бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

7.2. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқга эга:

- Шартнома тузилгандан кейин 30 кун ичида суғурта мукофоти тўланмаса суғурта шартномасини бекор қилиш;
- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан суғурта шартномасидаги мажбуриятлар бажарилмаса ёки улар орасидаги низолар Суғурта қилдирувчи фойдасига ҳал этилмаган бўлса, суғурта товонини тўлашдан бош тортиш;
- Шартномада белгиланган вақтда зарарларни тўлаш тўғрисидаги суғурта даъво берилмаса суғурта товонини тўлашдан бош тортиш,
- Қарз олувчига нисбатан қалтисликлар даражасини аниқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда қалтислик даражаси ўзгарса, у қайси томонга ўзгаришига қараб суғурта мукофотининг миқдори кўпайиш ёки камайиш томонига қайта кўриб чиқиш;
- Агар суғурта ходисаси бўйича Суғурта қилдирувчи (Қарз олувчи)га нисбатан суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд жараёнлари олиб борилаётган бўлса, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарорни ушбу жараёнлар якунига қадар кечиктириш.

7.3. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- Мазкур шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаш;
- Мазкур шартнома тузиш вақтида Суғурталовчига қалтисликлар даражаси тўғрисида ҳаққоний маълумот бериш;
- Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда қалтисликлар даражаси ҳар қандай жиддий ўзгаришлари ва суғурта ходисаси содир бўлиш эҳтимоли ортишига олиб келадиган хатарлар ҳақида суғурталовчига ёзма равишда хабар бериш, айнан:
 - Кредит шартномасининг шартлари ўзгариши ва қўшимчалари тўғрисида;
 - Кредит шартномасида кўзда тутилган лойиҳанинг амалга ошиш муддатлари ўзгарганда;
 - Кредит шартномаси асосида молияштириладиган контрактларнинг шартлари ўзгарганлиги тўғрисида;
 - Кредит маблағларини тўла ёки қисман мақсадсиз ишлатилганлиги тўғрисида;
 - Қарз олувчининг фаолиятини тухтагани тўғрисида, агар бу кредитнинг қайтмаслигига таъсир этиши мумкин бўлса;
 - Қарз олувчининг корхона, ташкилотининг режалаштирилган қайта шаклланиши, тугатилиши ва Низом жамғармасининг камайиши тўғрисида Суғурталовчига 30 кундан олдин хабар бериши шарт.
- Кредит шартномаси бўйича мумкин бўлган зарарларни ўз ҳисобидан олдини олиш ва Қарз олувчига нисбатан қўлланадиган барча тадбир, ҳаракатларни амалга ошириш. Суғурта ходисаси содир этилганда Суғурталовчига шартномада белгиланган тартибда ва муддатларида хабар бериш ва зарарларни камайтириш учун барча чораларни кўриш;
- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда тўлаш санасини, кредит даврини, кредит лимитини ёки суғурта шартномасининг бошқа шартларини суғурталовчи билан келишмаган ҳолда ва унинг ёзма розилигисиз ўзгартирмаслик
- Суғурталовчининг манфаатларига қарши бўлган хатти-ҳаракатларни қилмаслик ва суғурта ходисаси содир этилганда Қарз олувчидан қолдиқ қарзни ундириш бўйича барча, шу жумладан суд орқали, чораларни кўриш.
- Қарз олувчининг Кредит шартномаси бўйича қарзни қайтариш мажбуриятлари тўла бажарилган тақдирда Суғурталовчини 30 кун ичида ёзма равишда огохлантириш;
- Кредит даврида молиялаштиришни куйдаги ҳолларда тўхтатиб туриш:
 - агар Қарз олувчи ночор ҳолатга тушиб қолса, ёки тўлов қобилиятини йўқотса;
 - агар Қарз олувчи навбатдаги қарз тўловини Тўлов муддатидан 30 кундан кейин ҳам тўламаса.
- Кредит шартноманинг шартларини тўла бажариш;
- Тегишли Кредит шартноманинг шартлари асосида кредитни бериш;
- Кредит шартномасидаги барча таъминотларни (гаров, кафиллик ва х.к.) ҳаққонийлигини таъминлаш;
- Қарз олувчи Кредит шартномаси бўйича қарзини тўла ва ўз вақтида қайтармаса Тўлов кунидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш;
- Суғурталовчига суғурта товонини тўлаш талабини қўйишдан олдин кредит бўйича бошқа таъминотлар (гаров, кафиллик ва х.к.) ҳисобидан қарзни қайтариш учун барча чораларни кўриш.

7.4. Суғурта қилдирувчи куйидаги ҳуқуқга эга:

- Кредитларни суғурталаш тўғрисида Қоидалар билан танишиб чиқиш;
- Суғурта ходисасининг сабабларини аниқлашда қатнашиш;
- Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлганда, унинг тўланишини шартноманинг шартларига кўра талаб қилиш;
- Қонунчилик ва мазкур шартномага асосан муддатдан олдин Шартномани бекор қилиш;

- e) Суғурта товонини тўлаш буйича Суғурталовчининг рад жавобини судда кўриб чиқиш;
- f) Суғурталовчига бошқа Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган талабларни қўйиш;
- g) Суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
- h) Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари буйича маслаҳатлар олиш.

8. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР ОЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Кредит шартномаси тугагач, Қарз олувчи ўз қарзини тўламаган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Кутиш давридан кейин ва фақат бошқа таъминотлардан қарзни қоплаш ҳуқуқидан фойдаланганда Суғурталовчига товонни тўлаш талабини қўяди.

Суғурта товонини тўлаш талаби ёзма равишда **Кутиш давридан сўнг 10 (ўн) календар кун** ичида зарарни сабаблари ва миқдорини тасдиқловчи барча ҳужжатлари билан тақдим этилади, шу жумладан:

- суғурта товонини тўлаш тўғрисида даъво аризаси;
- Суғурта Полиси (асл нусхаси);
- суғурта ходисага тааллуқли барча ҳужжатлар, айнан:
 - a) касса ва ҳисобот китоби (хусусий тадбиркорлар учун);
 - b) банкнинг сальдо маълумотномаси, ҳисоб рақамда мавжуд бўлган пуллар тўғрисида ва пуллар оқимини ҳаракати тўғрисида банк томонидан тасдиқланган маълумотнома;
 - c) Қарз олувчининг розилиги бор Кредитдан қолдиқ қарз тўғрисида маълумотнома;
- регресс ҳолатига тегишли ҳужжатлар.

8.2. Суғурталовчини Зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани Суғурта қилдирувчи суғурта товонни тўлаш талабини тақдим этгандан сўнг кўриб чиқади. Зарар шартномада белгиланган суғурта пулидан ошмаган ва шартсиз франшиза айрилган миқдорда қопланади.

8.3. Зарарни қоплашга Суғурталовчи барча регресс ҳуқуқларига эга бўлиши лозим (Кредит шартномаси ва қонунчилик буйича Қарз олувчига, бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга нисбатан регресс ҳуқуқларига). Суғурта қилдирувчи тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бериши шарт.

8.4. Суғурта қилдирувчи 8.3. бандида кўрсатиб ўтилган регресс ҳуқуқларини Суғурталовчига бошқа мажбуриятлардан озод қилиб (учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва улар олдидаги мажбуриятлардан) топшириши лозим, ёки Суғурталовчига учинчи шахслар олдида устунлик ҳуқуқини бериши лозим.

8.5. Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳамда зарарнинг миқдорини аниқловчи ҳужжатлар асосида Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олиш ҳақида 15 (ўн беш) банк кун ичида қарор чиқаради. Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олса, суғурта товонининг миқдорини белгилайди ва тегишли суғурта ходисаси тўғрисидаги Далолатномани **Суғурта қилдирувчига** тақдим этади. Суғурта ходисаси тўғрисидаги Далолатномага барча томонлар қўл қўйгандан сўнг 10 (ўн) банк кун ичида Суғурталовчи суғурта товонини **Суғурта қилдирувчига** тўлайди. Суғурталовчининг суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.6. Агар суғурта ходисаси жиноят натижасида содир бўлган бўлса, ва жавобгар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса, бундай ҳолатларда суғурта товони Суғурта қилдирувчига жиноий иш буйича тергов тугагандан сўнг тўлаб берилади.

8.7. Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига Зарар суғурта товони тўлаш йўли билан қоплангандан сўнг регресс асосида олинган компенсация пуллари қуйдаги тартибда тақсимланади:

- a) Суғурталовчи тўлаган суғурта товони миқдорида ва компенсация олиш жараёнидаги харажатлар учун пуллари олади;
- b) барча қолган компенсация буйича тушган пуллар Суғурта қилдирувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

8.8. Шартноманинг 8.7. бандида кўрсатилган компенсация пуллари Суғурталовчининг банк рақамига тушади ва ундан кейинчалик тақсимланади.

8.9. Суғурта ходисаси содир бўлганлиги ва кўрилган Зарар тўғрисида ва миқдорида барча харажатлар Суғурта қилдирувчи зиммасида бўлади (шу жумладан, лозим бўлганда, эспертиза қилиш, мутахассисларни жалб этиш, тегишли ҳужжатларни йиғиш ва х.к.).

9. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУГАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

9.1. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда тугайди:

- a) шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;
- b) суғурта шартномасини тузган юридик шахс - Суғурта қилдирувчи фаолияти тугаганда;
- c) суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;
- d) суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган мажбуриятини тўлиқ бажарганда;
- e) Кредит шартномаси муддатдан илгари тугаганда.

9.2. Томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин. Шартномани бекор қилмоқчи томон ариза билан бошқа томонларга камида ўттиз кун аввал мурожаат этиши лозим.

9.3. Агар Суғурталовчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурта қилдирувчи шартномадан муддатидан илгари воз кечганда у тўлаган суғурта мукофотлари унга тўла қайтарилади; бошқа ҳолатларда суғурта шартнома муддатидан илгари бекор қилинса, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофотлар қайтарилмайди.

9.4. Агар суғурта шартномани қўл қўйилгандан кейин 30 кун ичида суғурта мукофоти тўланмаса, шартнома кучга кирмаган бўлиб, бекор қилиниши мумкин.

9.5. Суғурта мукофоти шартномада белгиланган муддатларда тўла ёки қисман тўланмаслиги “шартномани жиддий бўзилиши” ҳисобланади ва ЎЗР “Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуннинг 15-бандига асосан Суғурталовчи томонидан шартномани бекор қилишга олиб келади.

10. РЕГРЕСС ҲУҚУҚЛАРИ

10.1. Агар суғурта ходисаси учинчи шахслар айби билан содир этилган бўлса ва уларга нисбатан Суғурта қилдирувчининг талаб ҳуқуқи бўлса, унда суғурта товонини тўлаб берган Суғурталовчи қоплаб берган зарар миқдорида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

10.2. Суғурта товонини олган суғурта қилдирувчи ўзидан суғурталовчига ўтган суғурта ходисаси учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни суғурталовчига бериши ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча чораларни кўриши керак.

11. ФОРС – МАЖОР

11.1. Форс - мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси буйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликларини учун жавобгар бўлмайдилар.

11.2. Суғурга шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқултда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ходисалари (зилзила, ер ости каватларининг силжиши, бўронлар, кургоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва хоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

11.3. Форс - мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар. Агар форс - мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор давом этган муддатгача узайтирилади.

12. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИКИШ ТАРТИБИ

12.1. Суғурга шартномасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолда эса, низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ёки Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг Уюшмаси қошидаги Хакамлик судида ҳал этилади.

13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар барча шартнома қатнашчиларининг розилиги билан ёзма равишда киритилиши мумкин.

13.2. Томонларнинг мазкур Шартномада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

13.3. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг **Суғурталовчи** белгиланган суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, ва ўз вақтида тўланмаган ёки кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган жарима белгилашга ҳақлидир. **Суғурта қилдирувчи** ўз навбатида, унга тегишли бўлган суғурта қопламаси тўланиши кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган жарима белгилашга ҳақлидир.